

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
MINTAQAVIY BO‘LIMI
XORAZM MA‘MUN AKADEMIYASI**

**XORAZM MA‘MUN
AKADEMIYASI
AXBOROTNOMASI**

Axborotnoma OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrda 223/4-son qarori bilan biologiya, qishloq xo‘jaligi, tarix, iqtisodiyot, filologiya va arxitektura fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2024-5/1

**Xorazm Ma‘mun akademiyasi axborotnomasi
2006 yildan boshlab chop qilinadi**

Xiva-2024

Ravshanova Yo.D., Murodova S.S. Za'faron (Crocus sativus L.) yetishtirilayotgan tuproqlarning ba'zi agrokimyoviy xususiyatlari tahlili	264
Saidov M., Zayirova D.M. Taqir o'tloqi tuproqlarda azotli meniral o'g'itning pomidor hosildorligiga ta'siri (issiqxona sharoitida)	267
Абдиқодиров М.А., Насирллаев Б.У. Bombyx mori L. тут ипак куртининг леталлар буйича мувозанатлашган зотини такомиллаштириш давомида технологик хусусиятларининг ўзгариши	269
Бобоноров Р. Қашқадарё воҳаси суғорилаиган оч тусли бўз тупроқларнинг ҳозирги ҳолати ва унумдорлигини бошқариш муаммолари	273
Бойсунов Н.Б., Хуррамов А.А., Абдурахмонов Ж.Б. Баҳорги юмшоқ буғдойнинг ҳосилдор ҳамда дон сифати юқори нав ва тизмаларини танлаш	276
Болқиев З.Т. Қаттиқ буғдой навларида бошоқдаги донлар жойлашувини 1000 дона дон вазнига, унвчанлигига ҳамда колеоптилия ва илдиз узунлигига боғлиқлиги	279
Джумаев Ш.Б., Узақов Ғ.О., Чариев Ш. Рыжикнинг экиннинг Пензяк нави ўсув даври давомийлигига суғориш ва ўғитлаш меъёр ҳамда муддатларининг таъсири	282
Жабаров Ф.О. Жанубий минтақалар иқлим шароитида дуккакли дон экинларини фенологик кузатувлар жараёни	284
Исломов И. Режим орошения люцерны третьего года стояния в условиях почв темного серозема Оби-Киикской долины Таджикистана	287
Каримбаев Д.Р., Назиров Р.Р., Мирзаев О.А. Пахта таркибидаги намликни буғлатишда иссиқлик агентини радиал киритиш усули таъсирининг назарий таҳлили	290
Маشارипов Н.К. Мирзачўл воҳаси тупроқларининг микроэлементлар билан таъминланганлиги	295
Мирзаев Н.Ф. Соя навларида бариг сатҳига азотли ўғит меъёрининг таъсири	301
Наджимов Т.Э. Кузги юмшоқ буғдой нав ва констант линияларининг биометрик кўрсаткичлари	304
Нарзиев Ж.Ж., Қдирбаев У.Р. Ирригация каналларида сув сарфини ростлаш	306
Рустамова Д.К., Алимова Д.А. Кузги юмшоқ буғдойнинг янги, эрта пишар навлари бошланғич уруғчилиги	309
Сидик-Ходжаев Р.Т., Амантурдиев Ш.Б., Сабиров А.Г. Урожайность сена и семян селекционных материалов F ₄ люцерны	311
Сулаймонов Р.Ш., Салоев Х.Г., Узақов З.З. Маҳаллий тола тозалагичларнинг самарадорлиги буйича изланишлар	314
Тажетдинов Н.Д., Оралбаева И. Тажриба ўтказилган жойининг тупроқ тавсифи агрофизикавий ва агрокимёвий хоссалари	319
Тешаева Д.Р. Бухоро вилояти тупроқ ва иқлим шароитида кузги буғдой навларининг шўрга чидамлилиқ хусусиятларини ошириш масалалари	321
Тилеумуратова Б.А., Юсупбаева Д.А. Экологическая оценка ареала дикорастущих лекарственных растений Каракалпакстана	325
Холиқова С.Н. Суғориладиган оч тусли буз тупроқларда бактериялар динамикаси	328
Чоршанбиев Н.Э., Набиев С.М., Ғаниев У.М., Мамарасулов Ў.З. Ғўза нав ва тизмаларида айрим қимматли-хўжалиқ белгиларининг ирсийланиши	331
Шайманов К.К., Хазратқулова М.Ж., Шаманов А.П., Тошпулатов А.С. Изучение морфобиологического развития интродуцированных сортов земляники садовой для выращивания в тепличных условиях	335
Юсупов Х., Нишанов Ж., Юсупов Н. Лалмикор майдонларда тупроққа ишлов бермасдан “О” технология буйича экиш ва ўғитларнинг тупроқ намлиги ва буғдой ҳосилдорлигига таъсири	340
Ёрматова Д.Ё., Ҳамроева М.К., Тожибаева Ш.Ғ. Кунжут нав намуналарини ва уларнинг бизнинг шароитга мослашиши	345
Қаршибоев Х.Х., Амирова М.С. Қаттиқ буғдойнинг F ₁ дурагай авлодида 1000 дона дон вазнининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги	348
Ҳакимов А.Э., Қахҳоров И.Т., Эргашев О.Р. G. hirsutum L. генотипларининг бир неча авлод популяцияларида тола чикими кўрсаткичларининг намоён бўлиши	351
КИМЁ ФАНЛАРИ	
Eshchanov R. One and two-electron chemical bonding, electron pairing in an atomic orbital and the nature of metal bond (part 6)	355
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ	
Маҳмудов И.Э., Тохиров И.Х. Катта Фарғона магистрал каналида олиб борилган натура ва экспериментал тадқиқотлар	366
Худайназаров Д.Х., Авезов Т.А., Умаров У.Э., Ўнгбоев А.М. Кичик озуқа тарқатиш қурилмасида озуқа тарқатиш миқдори тўкиш дарчасининг баландлиги ва энига боғлиқлиги	369
ТИББИЁТ ФАНЛАРИ	
Ғасанова Н.М., Косимова Ғ.С., Пайзиева О.Р. Биологический возраст, уровни адаптации и физического здоровья молодежи как показатель потенциала их здоровья	373
FIZIKA-MATEMATIKA FANLARI	
Otabaeva K., Atajanova S.A., Matyakubova N., Urinov U. Study emission of water molecules from ice film at the ion bombardment	378

mevalarning tarkibidagi nitratlar miqdori o'rganilganda quyidagi ko'rsatkichga ega bo'ldik. 1-fon o'g'it qo'llanilmagan nazorat variantimizda nitratlar miqdori 144 mg/kg tashkil etgan bo'lsa, N₂₅₀P₂₅₀K₁₂₅ fonli variantda 259 mg/kg ni, N₃₀₀P₃₀₀K₁₅₀ fonli variantda 287 mg/kg ni, N₃₅₀P₃₅₀K₁₇₅ fonli variantida 306 mg/kgni tashkil etdi.

Sug'oriladigan taqir - o'tloqi tuproqlar sharoitida mineral o'g'itlarni qo'llash pomidor hosildorligining nisbatan ortishi, ulardan keladigan yalpi daromadni oshirdi. Mineral o'g'itlar, xususan azotli o'g'itlar me'yorining ortishi hisobiga pomidor hosili ortishi natijasida, olingan qo'shimcha hosilni sotishdan olinadigan yalpi daromadni ortishini ta'minladi. Olib borilgan tadqiqot natijalaridan shunday xulosa qilish mumkinki azotli o'g'itlarni qo'llash tuproqdagi harakatchan ammoniy va nitrat azotlari miqdorini oshirib pomidor yuqori hosil yetishtirish uchun qulay sharoit yaratadi. Bu o'simlik bo'yi, biomassasi, barglar soni va boshqa bir qancha xususiyatlariga ijobiy ta'sir qiladi.

Xulosa qiladigan bo'lsak issiqxona muhitida o'stirilgan pomidor ekinining o'sish va rivojlanishi bo'yicha olib borgan kuzatuvlar natijasida ob-havoning va ayniqsa azotli mineral o'g'itlarning hissasi katta ekanligi aniqlanadi. Vaholanki azotli mineral o'g'itlar pomidor ekinining o'sishi jarayonlariga, shuningdek gullar va mevalarning shakllanishi uchun eng kerakli bo'lgan mineral o'g'itdir. Mineral o'g'itlarsiz pomidor o'z-o'zidan rivojlana olmaydi. Shuning uchun xam pomidorga o'g'itlarni to'g'ri qo'llay bilish, tuproqqa qancha miqdorda o'g'it kiritishni hisobga olish lozimdir. Chunki bu moddalarning tuproqda kamligi yoki ko'pligi ekinga va tuproqqa salbiy ta'sir ko'rsatadi. Azotli o'g'itlarni qo'llash natijasida tuproq tarkibidagi ammoniy shakldagi azot miqdori yanada oshdi. Tadqiqotni ko'rsatishicha, tuproqda nitrat shakldagi azot miqdori ammoniy shakldagi azot miqdoridan ancha yuqori bo'ldi. Umuman olganda tuproqda ammoniy shakldagi azot miqdorini tabiiy holatda kam bo'lishi kuzatildi. Bu pomidor o'simligini maqbul o'sishi, rivojlanish va hosil to'plashi uchun yetarli emas. Azotli o'g'itlarni qo'llash tuproqdagi harakatchan ammoniy va nitrat azotlari miqdorini oshirib pomidor yuqori hosil yetishtirish uchun qulay sharoit yaratadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Azimboev.S.A, Dexqonchilik, Tuproqshunoslik va Agrokimyo asoslari Toshkent 2016 137-b
2. Ayupov.R.X, "Fermiyer kutubxonasi "Pomidor yetishtirish va qayta ishlash.- T.: Iqtisod-Moliya, 2007. 20-b
3. Bo'riev H. Ch, Savzavot ekinlari seliksiyasi va urug'chiligi Toshkent "mehnat" 1999-yil 230-231b
4. Energo-tejamkor issiqxonalarni qurish va ulardan foydalanish bo'yicha qo'llanma Toshkent–2013, 20-21 b.

УЎТ: 575.1:638.2:677.37 (575.1)

ВОМБУХ МОРИ L. ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ ЛЕТАЛЛАР БЎЙИЧА МУВОЗАНАТЛАШГАН ЗОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ДАВОМИДА ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

М.А. Абдиқодиров, ўқитувчи, Чирчиқ давлат педагогика университети, Чирчиқ
Б. У. Насириллаев, қ.х.ф.д., проф., Ипакчилик ИТИ, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада тут ипак қурти эмбрионал Z-летал генлар бўйича мувозанатланган S-8ngl зоти иштирокида яратилган янги тизмани технологик белгилари қиёсий таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: тут ипак қурти, пилла, зот, тизма, технологик кўрсаткич.

Аннотация. В данной статье проведено сравнение технологических признаков новой линии, созданной с участием породы S-8ngl, сбалансированной эмбриональными Z-летальными генами тутового шелкопряда.

Ключевые слова: тутовый шелкопряд, кокон, порода, линия, технологический показатель.

Abstract. This article compares the technological features of a new line created with the participation of the S-8ngl breed, balanced by embryonic Z-lethal genes of the silkworm

Keywords: silkworm, cocoon, breed, line, technological traits.

Кириш. Ҳозирда халқаро миқёсда табиий ипак толасига бўлган талабнинг ортанлиги ва харидорлар диди нозиклашгани генетик-селекционер олимларни текис, ингичка ва юқори узунликка эга бўлган тола олишга қаратилган зот ва тизмалар яратишга ундамоқда.

Бугунги кунда ипакчилик кластерларида замонавий пилла чувиш дастгоҳларининг деярли барчаси ХХР дан келтириляётган дурагай уруғлардан етиштириляётган пиллаларни чувишга мослаштирилган. Бироқ, ҳозирги давргача яратилган маҳаллий зот ва дурагайларнинг аксарияти йирик пиллалари зотлар бўлиб, уларнинг пилласи юқорида айтиб ўтилган автомат пилла чувиш дастгоҳларига тўғри келмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, тажрибаларимизда тут ипак қуртининг эркак жинсли дурагайларини олиш учун оталик компоненти сифатида фойдаланиладиган ноёб, жинси тухумлик даврида нишонланган, леталлар бўйича мувозанатга келтирилган зоти ва шу зотни синтетик селекция асосида такомиллаштиришдан олинган тизмалар танлаб олинди.

Ҳиндистонлик олимлардан K.S.Nair, N.Gopal, S.N.Kuma (2012) лар тут ипак қуртининг бивольтин гуруҳига мансуб CSR2 x CSR4 дурагайини пилла маҳсулдорлиги бўйича илмий изланишлар олиб борганлар. Шунга ўхшаш илмий изланишлардан яна A.B.Sunil, P.M.Porat, H.J. Chandrasherhar (2015) лар томонидан амалга оширилган.

В.К.Кариappa (2004) лар ипак қуртининг моновольтин хусусиятли зотларни кўпайтириш учун турли хил наслчилик йўл хариталарини ишлаб чиққан.

Н.А.Ахмедов (1999) ўзининг тадқиқотларида тут ипак қуртига бериладиган озуқа миқдори, ипак қуртининг биологик ва маҳсулдорлик кўрсаткичларига турлича таъсир этишини ўрганган.

С.Х.Худжаматов (2017); С.Х.Худжаматов, С.О.Ортиқова, Н.З.Саидмуродова (2022) нинг кузатишлари давомида тут ипак қуртининг технологик кўрсаткичларига пиллаларнинг калибри ўз таъсирини кўрсатиши исботланган.

Б.У.Насириллаев (2017) ва унинг шогирдлари томонидан олиб борилган тадқиқотларида технологик кўрсаткичлар ҳам атрофлича ўрганилган.

Тадқиқот материали ва услублари. Тажрибалар Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида 2020-2022 йил давомида “Тут ипак қурти наслчилиги, экологияси ва кимёвий захарланиш профилактикаси” лабораториясида ва “Тут ипак қурти наслчилик ишининг асосий услубий қоидалари” раҳбарий ҳужжати асосида амалга оширилди. Тажрибалар учун ипак қуртининг ўрта пиллалари зот ҳамда тизмалари, шунингдек, назорат сифатида такомиллаштирилган бошланғич С-8 нгл зоти танлаб олинди. Тажриба учун танлаб олинган зот ва тизмалар қуртлари оптимал гигротермик шароитларда парваришланиб, олинган пиллалар технологик кўрсаткичларни аниқлаш учун намуналар тайёрланди.

Териб олиниб, махсус ҳаво ўтказувчи халтачаларга солинган пилла намуналари 250-300 донани ташкил этди. Олинган намуналар махсус рақамлар орқали шифрланиб, Марғилон шаҳридаги Табиий толалар илмий-тадқиқот институтининг сертификацияланган лабораториясига махсус автомат пилла чувиш дастгоҳида чувиш учун топширилди. Ушбу лабораторияда тажриба материалларининг 5 хил технологик белгилари бўйича аниқланди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Зотлар ҳамда тизмаларининг технологик кўрсаткичлари сифатида қуруқ пилла вазни, ипак маҳсулотлари чиқиши, пилланинг чуватилиш фойизи, ипак толасининг умумий узунлиги ва толанинг метрик номери кабиларни олишимиз мумкин.

Асосий йўналишлари реципрок F₁ (1-жадвал) авлод олишдаги Л-28×С-8нгл ва С-8нгл×Л-28 комбинациялари пилла вазни мос равишда 1,69 г ва 1,94 г. ни ташкил этди. Ипакчанлик кўрсаткичлари эса Л-28×С-8нгл комбинациясида оналик зотининг кўрсаткичидан ҳам юқорироқлиги кузатилиб, 26,8 % га етди.

Такомиллаштиришнинг биринчи босқичида муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида технологик белгиларни олишимиз мумкин. Такомиллаштириляётган С-8 нгл зотининг технологик белгиларини пасайиши унинг узок йиллар давомида инбридинг қилиб келинганлиги ҳамда «Тут ипак қуртининг генетик коллекцияси» да узок вақт селекция ишлари олиб борилмаганлигидан деб қараш мумкин.

Тут ипак қурғининг С-8 нгЛ зотини биринчи босқич такомиллаштиришда технологик кўрсаткичлар

Қурук пилла вазни, г	Ипак маҳсулотлари чиқиши, %	Пилланинг чуватилиши, %	Ипак толасининг умумий узунлиги, м	Толанинг метрик номери, м/г
С-8нгл (тоза зот)				
0,863	48,74	91,9	1212	2915
Л-28 (яхшиловчи 1)				
0,773	51,31	93,7	1462	3703
Л-28хС-8нгл F ₁				
0,896	53,59	94,8	1475	3215
С-8нгл × Л-28 F ₁				
0,826	53,06	94,5	1313	3195
тр24w ₂ w ₂ ×Л-67 (яхшиловчи 2)				
0,880	47,25	94,5	1329	3270

Пилла калибри жиҳатдан ўрта тоифага мансублигига қарамасдан биринчи яхшиловчи сифатида олинган Л-28 тизмаси барча технологик кўрсаткичлар томонлама устунлиги кўзга яққол ташланди. Хусусан, юқоридаги жадвал ва расмлар орқали кўринишича, ҳам ипак чиқиши С-8 нгЛ зотига нисбатан 3,27 % га (48,07 %), ипак толасининг умумий узунлиги 250 м. га узунроқ (1462 м) ҳамда метрик номери 788 м/г га (3703 м/г) фарқ қилиши юқорида келтирилган фикрларнинг исботидир. Иккинчи яхшиловчи сифатида олинган тр24w₂w₂×Л-67 тизмаси С-8 нгЛ зоти билан баъзи кўрсаткичлари деярли бир бирига яқин бўлсада, толанинг умумий узунлиги (1329 м) ҳамда толанинг метрик номери (3270 м/г) борасида бироз устунликка эга бўлганлиги кузатилди.

Реципрок F₁ авлод Л-28×С-8нгл ва С-8нгл×Л-28 комбинацияларида пилланинг асосий технологик хусусиятлари Л-28 тизмасининг кўрсаткичларни деярли ўзида акс эттириб, баъзи кўрсаткичлар эса ҳаттоки устунлик ҳам қилган. Жумладан, ипак толасининг умумий узунлиги Л-28×С-8нгл комбинациясида 1475 м ни ташкил этди.

Технологик кўрсаткичларни тахлили натижалари такомиллаштириш жараёни биринчи босқичида яхшиловчи тизмаларнинг технологик хусусиятлар такомиллаштирилаётган С-8 нгЛ зотига киритилиш жараёнининг бошланиши муваффақиятли ўтказилаётганидан дарак беради.

Технологик кўрсаткичлар такомиллаштиришнинг иккинчи босқичида мазкур босқичнинг қай даражада самарали амалга оширилганлини билдирувчи индикатор сифатида хизмат қилди. Ушбу кўрсаткичлар тахлили қуйидаги жадвал ҳамда расмларда келтирилди.

Тут ипак қурғинининг С-8 нгЛ зотини иккинчи босқич такомиллаштиришда пилланинг технологик кўрсаткичлари (2021 й.)

Қурук пилла вазни, г	Ипак маҳсулотлари чиқиши, %	Пилланинг чуватилиши, %	тола умумий узунлиги, м	Тола метрик номери, м/г
С 8 нгЛ ♀♀+♂♂				
0,847	50,64	89,0	1111	2862
Такомиллаштириш кулранг F ₂ ♀♀ l ₁				
0,870	50,75	94,7	1186	3018
Такомиллаштириш кулранг F ₂ ♀♀ l ₂				
0,864	52,81	89,4	1365	3220
Такомиллаштириш оч-сарик F ₂ ♂♂ l ₁				
0,889	53,62	91,9	1343	3363
Такомиллаштириш оч-сарик F ₂ ♂♂ l ₂				
0,907	52,29	93,3	1409	3215
Тахлилий чатиштириш кулранг F ₂ ♀♀ l ₁				
0,895	48,92	93,4	1208	2841
Тахлилий чатиштириш кулранг F ₂ ♀♀ l ₂				
0,927	53,78	93,2	1313	3040
Тахлилий чатиштириш оч-сарик F ₂ ♂♂ l ₁				
0,883	53,62	92,5	1404	3413
Тахлилий чатиштириш оч-сарик F ₂ ♂♂ l ₂				
0,875	53,99	92,4	1229	3021

Ўз генотипида эмбрионал леталнинг қайси бирини тутишига қараб технологик кўрсаткичлар ўзгариши мумкин. Тахлилий чатиштириш натижаларига кўра l_1 ва l_2 гуруҳлари индивидлари орасидан l_2 гуруҳи яхшироқ натижа кўрсатди.

Такомиллаштиришнинг иккинчи босқичида технологик белгилар 2-жадвал бўйича тахлили бўйича, қиёсловчига нисбатан анчайин юқори кўрсаткичга эришилганини кўриш мумкин. Масалан гуруҳлар кесимида олиб қаралганда, асосий йўналишдаги l_1 оч сариқ ва l_2 оч сариқ гуруҳларида толанинг умумий узунлиги мос равишда 1343-1409 м, толанинг метрик номери 3363-3215 м/г бўлди. Пилланинг узлуксиз чуватилиш узунлиги ва хом ипак чиқишига кўра энг яхши натижани l_2 кулранг ва l_2 оч сариқ 1241-1329 м ни ташкил этди.

Тахлилий чатиштириш йўналишида ҳам қиёсловчига нисбатан яққол устунлик кўзга ташланди. Хусусан, l_1 оч сариқ гуруҳида толанинг умумий узунлиги 1404 м, толанинг метрик номери 3413 м/г га етди. Пилланинг узлуксиз чуватилиш узунлиги ва хом ипак чиқишига кўра эса l_2 кулранг ҳамда кулранг l_1 гуруҳлари мос равишда 1141 м ва 93,4 % ни ташкил этди.

Куруқ пилла вазни тахлилий чатиштириш l_2 кулранг гуруҳида қиёсловчи билан деярли бир хил бўлганлиги кузатилди (0,927 г). Хом ипак чиқиши ҳам тахлилий чатиштириш кулранг l_2 гуруҳида 50,10 % ни кўрсатди.

Юқоридаги жадвалдан олинадиган хулоса шуки, тут ипак куртининг ноёб С-8 нгл зоти иккинчи босқичи такомиллаштирилишда технологик кўрсаткичлари кутилганидек юқорироқ бўлгани яхшиловчи тизмаларнинг белгилари киритилиш муваффақиятли амалга оширилганидан дарак беради.

3-жадвал

Тут ипак куртинининг С-8 нгл зотини учинчи босқич такомиллаштиришда тухумларнинг пилланинг технологик кўрсаткичлари (2022 й.)

Зотлар	С-8 нгл	Такомиллаштириш F_3 кулранг ($\text{♀ } l_2 \times \text{♂ } l_1$)	Такомиллаштириш F_3 оч сариқ ($\text{♀ } l_1 \times \text{♂ } l_2$)
Куруқ пилла вазни, г	0,791	0,761	0,686
Ипак маҳсулотлари чиқиши, %	44,38	53,59	54,21
Узлуксиз чуватиш узунлиги, м	258	967	1033
Ипак толасининг умумий узунлиги, м	1071	1358	1592
Толанинг метрик номери, м/г	3145	3056	3374

Келтирилган 3-жадвал технологик белгиларни тахлил қилишдан олдин шуни таъкидлаш ўринлики, олинган янги авлод ҳали селекция қилинмаганлиги сабабли баъзи кўрсаткичлари нисбатан пастроқ бўлиши мумкин. Олинаётган авлод баъзи белгилар бўйича пастлиги табиий ҳисобланиб, бошланғич ашё сифатида тизма даражасига олиб келинди. Энди бевосита технологик белгилар тахлили қилинадиган бўлса, улар орасида муҳимларидан саналувчи хом ипак чиқиши С-8 нгл зотида 35,7 % ни ташкил этди. F_3 авлод кулранг тусли уруғдан ривожланган урғочи организмлар 49,37 % ни, эркак организмлар эса 52,29 % хом ипак берди. Ипак толасининг умумий узунлиги С-8 нгл (1071 м) зотида мос равишда 287-521 м га такомиллаштиришдан олинган авлод урғочи ва эркак авлодидан қисқа бўлди. Толанинг метрик номери, яъни, ингичкалиги янги олинган эркак F_3 авлод пиллаларида 3374 м/г ни ташкил этди ва қиёсловчи С-8 нгл га нисбатан 229 м/г га яхшироқ натижани кўрсатди. Олинган натижалар F_3 авлод учун жуда ҳам қониқарли бўлиб, F_4 авлод олиш ишларига жалб қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Хулоса. Мазкур олиб борилган тадқиқот натижасида қуйдаги хулосаларга келинди:

1. Пиллалардан хом ипак чиқиши, толанинг умумий узунлиги ва толанинг метрик номери (ингичкалиги) кўрсаткичлари янги тизма пиллаларининг сифат жиҳатдан ишлаб чиқариш учун яроқлилигини кўрсатди.

2. Такомиллаштирилаётган зот технологик кўрсаткичлари билан таққосланганда янги тизмаларнинг ипак толасининг сифати пиллани қайта ишлаш корхоналари талабига жавоб бериши аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Nair K.S., Nishi G., Kuma S.N. (2012). Improvement in cocoon yield induced by a juvenile hormone analogue, SB-515 in the bivoltine silkworm (*Bombyx mori* L.) hybrid, CSR2× CSR4 and its reciprocal combination. // Journal of

Entomology. - India, Vol.9. №1. P. 50-56.

2. Kariappa B.K., Rajan R.K. (2004). Development of multivoltine silkworm breeds/hybrids in India or commercial exploitation. Journal of Sericulture. – Indian, 43(1): P. 18-24.

3. Ахмедов Н.А. (1999) Эколого-физиологические основы повышения продуктивности тутового шелкопряда (*Bombyx mori* L.). //Автореф. дисс. д.с.х.н. – Ташкент: УзНИИЖ, – С. 7-8.

4. Худжаматов С.Х. (2017). Насли пиллаларни компактлиги бўйича танлашнинг ипак куртининг технологик кўрсаткичларига таъсири. // Ёш олимлар республика илмий-амалий конференцияси 2017 йил 31 март - 1 апрель III қисм. – Термиз, 181-182-б.

5. Xudjamatov S.X., Ortiqova S.O., & Saidmurodova N.Z. (2023). Tut ipak qurtining go'zal va marvarid zotlarida pilla kalibiri. Journal of Integrated Education and Research, 2(3), 16–20.

6. Nasirillaev, B. U. (2017). New highly productive hybrids of mulberry silkworm (*Bombyx mori* L.) of industrial purpose with high technological characteristics of cocoon. International Journal of Applied Research. India, 3(2), 72-75.

7. Abdikodirov M. (2023). Cocoon productivity and yield in latest-stage improvement of Z lethal genes balanced breed of mulberry silkworm. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD), 8(12), 57-59.

8. Nasirillaev, B., Rajabov, N., Abdukadirov, M., & Fozilova, K. (2023). History and development prospects of silk farming in Uzbekistan. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 376). EDP Sciences.

ЎУТ: 631.4

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ СУҒОРИЛАЙГАН ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНУМДОРЛИГИНИ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ

Р.Бобонов, доц., қ.х.ф.н., Қарши Давлат университети, Қарши

Аннотация. *Оч тусли бўз тупроқлар воҳада суғориладиган ерларнинг катта қисмини ташкил қилиб, асосан Нишон, Қарши, Ғузор каби туман хўжаликларида кенг тарқалган. Оч тусли бўз тупроқларнинг суғориладиган деҳқончиликка кенг жалб қилиниши–даставвал бу тупроқлар тарқалган рельефнинг текислиги ҳамда ўзига хос бўлган бир қанча ижобий хосса ва хусусиятлари бўлса, иккинчи томондан – суғориш сувлари манбаларига яқин жойлашганлиги ҳисобланади.*

Калит сўзлар: *Тупроқ, оч тусли, тоғ жигарран, суғорма, қумли сахро, тупроқ-иқлим, эволюция*

Аннотация. *Светлые сероземы составляют большую часть орошаемых земель оазиса и распространены преимущественно в районных хозяйствах типа Нишон, Карши, Гузор. Повсеместная привлекательность светлых сероземов для орошаемого земледелия обусловлена, во-первых, равнинностью местности распространения этих почв и рядом уникальных положительных свойств и характеристик, во-вторых, их близостью к источникам оросительной воды.*

Ключевые слова: *Почва, светлый цвет, горно-коричневая, орошаемая, песчаная пустыня, почвенно-климатическая ситуация, эволюция.*

Abstract. *Light gray soils make up most of the irrigated lands of the oasis and are distributed mainly in regional farms such as Nishon, Karshi, Guzor. The widespread attractiveness of light gray soils for irrigated agriculture is due, firstly, to the flatness of the distribution of these soils and a number of unique positive properties and characteristics, and secondly, to their proximity to sources of irrigation water.*

Key words: *Soil, light color, mountain brown, irrigated, sandy desert, soil-climatic situation, evolution.*

Кириш. Қашқадарё воҳаси Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган бўлиб, ўзининг тупроқ-иқлим шароитига кўра республикамизнинг бошқа воҳаларидан фарқланади. Бу даставвал мазкур воҳада турли-туман иқлимий минтақаларнинг мавжудлиги бунга боғлиқ ҳолда мураккаб тупроқ қопламанинг мавжудлиги бунга боғлиқ ҳолда мураккаб тупроқ қопламанинг мавжудлигидир (1). Дарҳақиқат воҳада лалми ва суғорма деҳқончилик тоғ жигарранг тупроқларидан бошланиб қумли сахро ва сур тусли тупроқларда тугайди. Албатта бундай хилма-хил тупроқ типларида деҳқончиликни ривожлантириш даставвал у ёки бу минтақада тупроқ қоплами хосса ва хусусиятларини тўлиқ билишни тақазо қилади.